



Сайлов жараёнида қонунийлик ва юридик жавобгарлик масалалари

Қўқон шаҳар прокурори ўринбосари

Ганиев Ойбек Хотамович

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш чоғидаги ҳуқуқ тартиботни ўрнатилишида жамоатчилик манфаатларини таъминланишининг оммавий-ҳуқуқий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Оммавий-ҳуқуқий соҳада юридик жавобгарлик тушунчаси қонун билан белгиланган тартибда ҳуқуқбузарни давлат олдида ўз ҳуқуқбузарлиги учун жавоб беришини лозимлигини аниқлатади.

Ўз навбатида, сайлов қонунчилигини бузганлик учун қонунларда юридик жавобгарликни бир қанча турлари кўзда тутилган.

Норматив-ҳуқуқий асосларнинг қайси соҳага мансублигидан келиб чиққан ҳолда сайлов қонунчилигини бузганлик учун уч турдаги жавобгарликни ажратиш мумкин: *биринчиси*, сайлов ҳуқуқи (қонунчилигида бевосита белгиланган) бўйича жавобгарлик; *иккинчиси*, маъмурий жавобгарлик; *учинчиси*, жиноий жавобгарлик. Белгиланган жавобгарликларни ҳар бири бир биридан асослари билан (ҳуқуқий ва далилий), санкциялари, субъектлар таркиби билан, амалга оширилишининг процессуал шакллари билан фарқланади.

Шу билан бирга, сайлов қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарликни ички тур дифференциацияси ўтказилиши мумкин. Жумладан, субъект таркибининг, асосларнинг индивидуал хусусиятларини ва санкцияларни ҳуқуқий мазмунига кўра сайлов ҳуқуқи бўйича жавобгарлик сайлов комиссияларнинг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигига ва номзодларнинг, сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ва сайлов жараёнини бошқа иштирокчиларининг оммавий-



хукукий жавобгарлигига тавсифланади. Сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик фуқароларнинг маъмурий жавобгарлигига ва махсус субъектларни (мансабдор шахсларни, сайлов комиссиялари аъзоларини, мазкур комиссияларни раисларини ва бошқа шахсларни) маъмурий жавобгарлигига бўлиш мумкин.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, сайлов ҳукуқи бўйича жавобгарликни сайлов қонунчилигини бузганлик учун бошқа турдаги жавобгарликларидан муҳим бир ўзига хослиги мавжуд. Жумладан, сайлов ҳукуқи бўйича қонунчилик билан ҳам жисмоний шахсларни (фуқароларни), ҳам жамоатчилик субъектларини (сайлов комиссияларни, сайлов бирлашмаларни) жавобгарлигига йўл қўйилади. Шу билан бирга, сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ва жиноят ҳукуқи бўйича жавобгарлик доимо фақат шахсий бўлади – маъмурий ёки жиноий жавобгарликка жамоатчилик субъектларини тортиш истисно қилинган.

Ўз навбатида, сайлов қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарликни ҳар бир турининг ўзига хос ҳукукий хусусиятлари мавжуд.

Жумладан, биринчидан, бу сайлов комиссияларини тарқатиб юборилишининг, уларни сайлов ҳукуқи бўйича оммавий-ҳукукий жавобгарлигининг туридан бири эканлиги.

Бунда, сайлов ҳукуқи бўйича сайлов комиссиялар аъзоларини ваколатларидан маҳрум этиш ҳукуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси тегишли сайлов қонунчилиги талабларини бузгани ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келгани тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади. Бундай ҳолатда, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис томонидан, округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан, участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан тузилади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловида: вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан, округ сайлов комиссияси тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан, участка сайлов комиссияси тегишли туман, шаҳар



сайлов комиссияси томонидан тузилади. Демак, мазкур келтирилган турдаги сайлов комиссияларни тузувчи органлар уларни аъзоларини бир вақтни ўзида комиссия аъзолигидан маҳрум қилишга ҳақли.

Шу билан бирга қонунчилик комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш тартибини белгилашда бир вақтни ўзида қанча аъзоларни ваколатидан маҳрум этиш мумкин эканлигини чегараламаган. Демак, бундан келиб чиқадики, агарда бордию комиссиянинг барча аъзолари жамоа сифатида уюшган ҳолда қонун талабларини бузса ёки комиссияни вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келса, унда бундай вазиятларда комиссияни тузган орган нафақат айрим комиссия аъзоларини, балки комиссияни тўла таркибида, яъни комиссияни ўзини тарқатиб юборишга ҳақли бўлмоқда.

Бунда сайлов комиссиясини бир вақтда барча аъзоларига нисбатан бундай жавобгарлик турини қўлланилиши сайлов комиссияси томонидан фуқароларни сайлов ҳуқуқларини бузилганлиги натижасида тегишли ҳудудда овоз бериш ёки сайловлар натижалари Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан ҳақиқий эмас, деб топилишига олиб келганлиги асос бўлади.

Бундай ҳолатлар юзага келиши мумкинлигини сайлов қонунчилигини такрорий сайлов ўтказиш ҳолларидан бирида кузатиш мумкин. Жумладан, масалан, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 43-моддасида такрорий овоз бериш ҳоллардан бири этиб “а”-бандида белгиланганки: “башарти, сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилган бўлса”⁷.

Шу тариқа, сайлов қонунчилигида сайлов комиссиялари бир вақтда жамоатчилик жавобгарлигини олиб боришлари бевосита белгиланмаган бўлсада, лекин уни қонунчиликда қўлланилишини кузатиш мумкин.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – № 9–10. – 134-модда.



Жумладан, масалан, юқорида келтирилган 43-моддани ўзида белгиланганки:

“Такрорий сайлов тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин”⁸. Кўриниб турганидек, сайлов комиссиялари янги таркибини шакллантириш мумкинлиги кўзда тутилмоқда. Демак, бундан келиб чиқадики, олдинги сайлов комиссияси ҳам қайта сайлов ўтказишга сабабчи бўлган ва қонун талабларига риоя этмаган.

Ўз навбатида сайлов комиссияларни янги таркибини тузиш тартиби нафақат такрорий сайлов ўтказиш ҳолатида, балки асосий сайловлар ўтказиш даврида ҳам қўлланилишининг эҳтимолини кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир. Буни асосланмаси шундаки, агар бордию асосий сайловлар жараёнида сайлов комиссияси томонидан бир қанча қонунни бузиш ҳолатлари юз бериб борса ва бу мунтазамликка эга бўлиб шу комиссияга ишончсизлик уйғотса, унда уни ўз вақтида янги таркибда тузиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг ижобий томонлари шундаки: биринчидан, сайланаётган вакиллик органи янада тўлароқ таркибда шаклланиб олишига кафолат кучаяди; иккинчидан, сайловчилар такроран овоз беришга чиқиши эҳтиёжи бартараф этилади; учинчидан, такрорий сайловларга сарф қилинадиган давлат маблағлари тежамланади; тўртинчидан, қонунийлик режими кучаяди.

Бундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, биринчидан, сайлов қонунчилигига асосий сайловлар даврида сайлов комиссияларни қонун талабларини бузгани ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келган ва бунинг натижасида сайловларни тегишли ҳудудда ўтишининг қонунийлигига таҳдид эҳтимолига олиб келинса, уларни тарқатиб юбориш институтини киритиш мақсадга мувофиқ; иккинчидан, бундай ваколатни тегишли вакиллик органларига сайлов ўтказувчи бош

⁸ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – № 9–10. – 134-модда.



сайлов комиссияларига, яъни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссиясига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияларига бериш мақсадга мувофиқ.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарликни иккинчи тури, бу сайлов ҳуқуқи бўйича сайлов жараёнидаги номзодларни ва уни бошқа иштирокчиларини жавобгарлиги.

Сайлов ҳуқуқи бўйича номзодларнинг жавобгарлиги бирор-бир қонуннинг алоҳида моддасида махсус белгиланмаган. Улар номзодларга таъқиқлар ўрнатиш турида намоён бўлмоқда.

Номзодни жавобгарлигининг ўлчови уни рўйхатга олинганлиги ҳақида қарорни бекор қилинишида намоён бўлади. Сайлов қонунчилигини бузишга йўл кўйган номзодни жавобгарликка тортиш субъекти сифатида сайлов комиссияси бўлмоқда. Номзодни рўйхатга олиш ҳақидаги қарорни бекор қилиб, сайлов комиссияси юрисдикциялик функциясини амалга оширган бўлади.

Шундай қилиб, сайлов тизими йиллар давомида изчил суръатларда ривожланиб борди. Ўз навбатида, ушбу янгиланишлар мамлакатни сиёсий-ҳуқуқий ривожлантиришнинг узвий ва мантиқий давоми сифатида намоён бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – № 9–10. – 134-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – № 9–10. – 134-модда.



3. Сайловлар

тарихидан.

Электрон

манба:

http://gov.cap.ru/SiteMap.aspx?gov_id=74&id=861250

4. David Card and Enrico Moretti. Does Voting Technology Affect Election Outcomes? Touchscreen Voting and the 2004 Presidential Election. *The Review of Economics and Statistics*. Vol. 89, No. 4 (Nov., 2007), pp. 660-673.

<http://www.jstor.org/stable/40043092>

5. Maarten A. Alters. More Evidence of the Effects of Voting Technology on Election Outcomes. *Public Choice*, Vol. 139, No. 1/2 (Apr., 2009), pp. 159-170.

<http://www.jstor.org/stable/40270752>;